

Тинчлик

Тинчлик деган сўзга энг аниқ ўлчам —
Мана шу зилол сув, шу соф ҳаво, нур.
Ахир, чумчуқ учса, кўтарилган чанг
Қанча юртлар учун жиддий хавотир!

Қуш нима, ногҳон учса хаёлинг,
Ортидан ўқ қувиб етар ўлкада
Нима кечар эди отанг аҳволи?
Юрмасдинг болангни олиб елкага...

Мен отамга бошим эгаман шаксиз,
Болам қўлларимга сув қуяр, бу қарз.
Аммо бир қонун бор — гадоми, шоҳмиз,
Юртнинг ҳимояси ҳаммамизга фарз.

Зардобга тўлмаса юрак деган жом,
Фарёдлар кесмаса тоза ҳавони,
Тинчлик деган сўзга энг аниқ ўлчам —
Мана шу зилол сув, шу соф ҳаво, нур!

Юртнинг чегарасин белгилар гарчи
Ё тоғ, ё тошдевор, ёки пўлат сим.
Отам, мен ва ўғлим — энг пишиқ занжир,
Ватанни шу учта авлод гуллатсин.

2012 йил

Шоир
Носиржон Жўраевнинг
“Энг қудратли зарра” китобидан